

Сармоя ва фойда хусусидаги шерикчилик



11:05 / 19.12.2019 2814

«Ширкат» луғатда «аралашиб кетиш» маъносини англатади.

Шариатда эса ширкат деб сармоя ва фойда хусусида шерик бўлганлар орасидаги ақдга айтилади.

Ширкат муомаласи Қуръони Каримда зикр қилинган.

Аллоҳ таоло:

«**Улар учдан бирига шерикдирлар**», деган (Нисо сураси, 12-оят).

Яъни меросга қолган молнинг учдан бирига шерик бўлиб, молик бўлурлар, деганидир.

Шунингдек, Аллоҳ таоло бошқа бир оятда:

«Албатта, кўп шериклар бир-бирларига зулм қилурлар. Иймон келтириб, солиҳ амал қилганларгина мустасно. Улар жуда ҳам оз», деган (Сод сураси, 24-оят).

Ислом уммати доимо мол-мулкда, молиявий муомалаларда шерикликни маъқуллаб келган. Чунки модомики, кишилар бир жамиятда яшар эканлар, бундай ишга мухтождирлар.

ثَلَاثَ أَنْ: «ثَلَاثَ لَلْأَقِ» لَأَقِ بِنِجَالِ عُنْ عُلْ لَلْأَقِ يَضَرَّرَ مُمْعَ رِيَّ بِنِ عُنْ
دُوَادُ وَبِأَهْ أَوْر. «أَمْ هُنَّ بِنِ مُمْ تَجْرَحُ هَنَ أَخْ إِفْ، وَبِحَاصِ أَمْ هَدَحْ أُنْ حِيَّ مَلِ أَمْ نِيَّ كِيَّ رِشَلِ
عِيَّ حِيَّ صَدَنَسَبِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таоло: «Мен икки шерикнинг, модомики, уларнинг бири ўз шеригига хиёнат қилмаса, учинчисидирман. Бас, қачон унга хиёнат қилса, ораларидан чиқурман», дейди».

Абу Довуд саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси қудсийда шерик бўлганларнинг бир-бирларига хиёнат қилмасликлари ҳақида қаттиқ таъкидлаш бор.

Агар шериклар бир-бирининг ҳақиға кўз олайтирмаса, поймол қилмаса, Аллоҳ таоло улар билан бирга бўлади. Хайр-барака бирга бўлади.

Агар шериклар бир-бирларига хиёнат қилсалар, Аллоҳ таоло уларнинг орасидан чиқади. Уларнинг ширкатидан хайр-барака ҳам кўтарилади.

Сўнг уларнинг орасига шайтон киради, ширкатлари эса таназзулга юз тутди.

أَهْ وَوَلَمْ يَنْ دُوَّهِيَّ لَلْأَقِ بِنِ عُنْ عُلْ لَلْأَقِ يَضَرَّرَ مُمْعَ رِيَّ بِنِ عُنْ
عِيَّ حِيَّ صَدَنَسَبِ

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Хайбарни яҳудийларга у ерда ишлаб, зироатчилик қилишлари учун бердилар. У ердан чиқадиган нарсанинг ярми уларга бўладиган бўлди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Мадинаи Мунаввара яқинидаги Хайбар номли жойда яҳудийлар яшаган. Уларнинг хиёнатлари сабабли мусулмонлар билан ораларида уруш чиққан. Урушда улар енгилиб, ерлари ўлжа сифатида мусулмонларга ўтган. Ана шунда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам яҳудийлар билан шартнома тузиб, ўша ерларни уларга деҳқончилик қилиш учун берганлар. Чиққан маҳсулот ўртада тенг тақсимланадиган бўлган.

Ислом шариатида ширкатлар ишига катта эътибор берилган. Чунки эркин иқтисодий ривожланиш асосан ширкатларга боғлиқ. Кўпчилик бир ўзи бирор ишни юритиши қийин. Ширкат бўлганда эса иш осонлашади. Шунинг учун ҳам эски фикр китобларини варақлайдиган бўлсак, бу масалада жуда кўп фойдали маслаҳатларни кўрамиз. Мусулмон кишилар топган молу мулклари ҳалол-поқ бўлишини истасалар, бошқа иқтисодий фаолиятлари қатори, ширкат ишларида ҳам шариат кўрсатмаларига амал қилмоқлари лозим.

Ислом шариати нуқтаи назарида ширкатлар иқтисодий ривожнинг энг муҳим асосларидан ҳисобланади. Чунки уларда шериклик асосида кишилар ўз фикрлари, ишлари, сармоялари ила кўпчилик билан ҳамфикр ва ҳамжихат бўлиб иқтисодий фаолият олиб борадилар. Шунинг учун ҳам улардан кўп фойда келади. Лекин бу ишда ҳам ҳалоллик керак, хиёнат бўлмаслиги лозим.

Бизга ватандошларимиздан бўлган мурожаатларнинг кўпчилиги музораба ширкати ҳақида бўлганини эътиборга олиб, ширкат ҳақида батафсил маълумот тақдим қилишга қарор этдик.

«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан